138

**O'zbekiston Respublikasi**
**Samarqand viloyati**
**Kattaqo`rg`on shahar**
**HOKIMI**
**QARORI**

**РЕШЕНИЕ**
**ХОКИМА**
**города Каттакургана**
**Самаркандской области**
**Республики Узбекистан**

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo`rg`on shahri, Amir Temur ko`chasi, 4 uy. tel.: (836645) 6-25-13 faks.: (836645) 6-10-01

**2017 у.г. «7» март** **№269-15** **Kattaqo`rg`on sh. – г. Каттакурган**

**"Каттақўрғон шаҳар Чордара МФЙ худудидан участка нозирига уй-жой қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида"**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 феврал куни "Ички ишлар органлари фаолияти, тизимида мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган" видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлардан келиб чиқиб, шаҳардаги участка нозирларини уй-жой билан таъминлаш хамда шаҳарсозлик ва ер кодексларига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

**1.** Каттақўрғон шаҳар хокимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.

**2.** Каттақўрғон шаҳар Чордара МФЙ худудидан участка нозирларига уй-жой қуриш учун сатхи 0.03 Га ер майдони вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

**3.** Шаҳар бош архитектори О.Розиковга, "Сувокова" давлат унитар корхонаси раҳбарига, шаҳар "Электртармоқлари" корхонаси раҳбари Б.Розиқовга, "Каттақўрғоншаҳаргаз" филиали бошлиғи Б.Кенжаевга, "Самтелеком" Каттақўрғон шаҳар филиали бошлиғи Ҳ.Қодировга ер участкасининг муҳандислик коммуникациялар уланиш учун техник шартларни белгиланган тартибда тайёрлаш вазифаси топширилсин.

**4.** Каттақўрғон шаҳар архитектура ва қурилиш бўлими, ва Каттақўрғон шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси бошлиғи (У.Туропов)га ерни натура тарзида ўлчаб бериш вазифаси юклатилсин.

**5.** Ушбу қарор ижросини назорат қилишни шаҳар хокимининг ўринбосари Д.Рахмонов зиммасига юклатилсин.

**Шаҳар хокими** **Б.Садуллаев**